
ФАРҒОНА ТУМАНИДА ВА ҚУВАСОЙ ШАҲРИДА ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ҚУРИБ БИТКАЗИЛГАН ХИЗМАТ УЙЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бугун вилоят ҳоқими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров вилоятимиздаги ДХХ чегара қўриқлаш ҳарбий қисмларининг Фарғона тумани Қўрғонтепа МФЙ ҳудудидаги ҳамда Қувасой шаҳар Лашкар МФЙ ҳудудидаги чегара қўриқлаш ҳарбий бўлинмаларида қуриб битказилган янги кўп қаватли уй-жойларни фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Фарғона туманида умумий қиймати 24,88 миллиард сўм бўлган қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида 3 қаватли маъмурий бино ҳамда 16 хонадонли иккита турар-жой, болалар спорт ва ўйин майдончалари барпо этилди, ҳудуд ободонлаштирилди.

Қувасой шаҳрида эса 8,31 миллиард сўм маблағ ҳисобига 5 қаватли 48 хонадонли турар-жой қуриб битказилди, бўлинма ҳудуди кўкаламзорлаштирилди.

Янги хизмат уйларини чегарачиларга топшириш тадбирларида сўз олган вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров йиғилганларни кириб келаётган янги йил билан қутлаб, 2023 йил юртимизга қутлуғ, баракотли йил бўлишига, чегараларимизда ҳамisha тинчлик, хотиржамлик ҳукм суришига тилак билдирди.

Президентимиз томонидан бошланган ислохотларнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислох қилишга қаратилган энг муҳим ва устувор йўналишлар белгилаб олинганига, ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш устувор йўналишлардан бири бўлиб келаётганига эътибор қаратган Хайрулло Бозоров, бугун фойдаланишга топширилган янги хонадонлар, чегарачиларимизни руҳини кўтариб, кучига куч қўшишини, ўз хизмат вазифаларини хотиржам, кўнгиллари тўқ бўлиб бажаришларида, янада садоқат ва ватанпарварлик ҳисси билан жонажон Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашларида муҳим омил бўлишини қайд этди.

Тадбирларда ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм бўлинмаларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга янги хизмат уйлари калитлари, шунингдек, оилаларига совғалар топширилди.

Рамзий ленталар қирқилиб, йиғилганлар хонадонларда яратилган шароитлар билан танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-27 20:42:49